

YOSHLAR OVOZI

INSON — AZIZ, XOTIRA — MUQADDAS

СОБИР БОБОНИНГ САБОҚЛАРИ



Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ёшлар иттифогининг Хоразм вилояти кенгаши фаоллари фахрий

отахону онахонларни йўқлаб, совға-саломлар улашмоқда. Яқинда улар Урганч шаҳри "Дўстлик" маҳалласида истиқо-

мат қилаётган Собиржон Қурбоновнинг хонадониди бўлди. Собиржон бобо Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. Қария ёшларга фронтда бошидан ўтказганларини сўзлаб берди. Бугунги тинч ва фаровон кунлар қадрига етиш зарурлигини ўқитди. Ўғил-қизлар унинг самимий сўхбатини жон қулоғи билан тинглади. Кейин эса, ўзлари ёзган шеърлардан ўқиб берди.

— Собиржон бобо уруш манзараларини тасвирлар экан, ўша пайтда ёшларга қанчалик қийин бўганини ҳис қилдим. Бу — даҳшат. Бундай мусибатни ҳеч кимнинг бошига солмасин! Биз, бани башар фақат шукроналик ҳисси билан яшамогимиз керак, — дейди Ёшлар иттифоқи аъзоси Рўхсора Машарипова.

Отахон НАФУЛЛАЕВ

XALQARO HAMKORLIK

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАРНИ БОШЛАШ ТАРАДДУДИДА



Айни кунларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегацияси ишчи ташриф билан Россия Федерациясида бўлиб турибди. Делегация тарқибдан Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Камолдин Бекназаров, ёшлар тadbirkорлигини ривожлантириш бўлими мудири Феруз Абляров ҳамда Ўзбекистон ёшлар туризми агентлиги директори Азиз Норхўжаев ўрин олган.

Ижроси юзасидан музокаралар олиб боришдан иборат. Вакилларимиз дастлаб Россия ёшлар иттифогининг Марказий Кенгаши раиси Павел Красноурский билан учрашди. Мулоқот чоғида III Ўзбекистон — Россия ёшлар форумини ўтказиш ҳамда ик бор Ўзбекистон — Россия ёшлар бизнес-инкубаторини йўлга қўйиш юзасидан фикр алмашиди. Томонлар бизнес-инкубатор фаолиятига доир мурожаат ёшлар ташкилотлари ўртасида эришилган келишув доирасида амалга оширилади. Мақсад яқин истиқболга белгиланган қўшма лойиҳа ва дастурлар

ёшгача бўлган жами йигирма нафар номзод қатнашиш кузда тўтилган. Улар танлов асосида саралаб олинади. Танловдан муваффақиятли ўтган йигит-қизлар ўз бизнес лойиҳаларини маромига етказиш имконини қўлга киритади. Мазкур жараён бир қанча босқичда амалга оширилади. Биринчиси Россияда ўтказилиб, иштирокчилар икки ҳафта давомида Белгород давлат университети базасида шуғулланади: бизнес юришти соҳасидаги малакали экспертлардан маҳорат сабоқларини олади, тармоқ корхоналари фаолияти билан яқиндан танишади ҳамда

раҳбарлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатади. Кейинги босқичда ёшлар бизнес асосларини ўрганади. Пировард натижада юртимиз ва россиялик ёш тadbirkорларнинг ҳамкорликдаги бизнес лойиҳалари учун йўл очиб берилиши керак. Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон — Россия ёшлар бизнес-инкубатори лойиҳасига 2018 йилнинг октябр ойида старт берилди. Юртимиз делегациясининг хорижга сафари давом этмоқда.

Наргиза УМАРОВА

TASHABBUS

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ БОЙИДИ

Улғунор туманидаги айрим фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган 16-давлат мактаб-интернатиди "Фарзандимга китоб совға қиламан" акцияси ташкил қилинди.

Тadbирда ўқувчилар билан бирга уларнинг ота-оналари, туман ахборот-ресурс маркази ходимлари ҳам қатнашди. Болалар Худойберди Тўхтабоевнинг "Беш болали йигитча" романи асосида

кичик саҳна кўриниши намойиш этди. Шунингдек, миллий адабиётимизда яратилган ўлмас образлар — Алпомиш, Барчин, Анвар, Раъно, Отабек, Кумуш қиёфасида гавадланиб, таъсирчан монологлари билан йиғилганларга хўш кайфият улашди.

Яқинда "Олтин саҳифа" масбулияти чекланган жамияти томонидан китоб ярмаркаси ташкил этилди. Унда ота-оналар ўзларига маъқул келган адабиётлардан харид қилиб, фарзандлари ҳамда мактаб кутубхонасига совға қилди. Шу тариқа зийе маскани бир кунда икки юздан ортиқ бадий асар билан бойиди.

Гулбаҳор УСМОНОВА



ШИЖОАТУ ШАҲДИНИ КЎРИНГ!

Беллашув ўн тўрт шартдан иборат. Ўқувчилар сафда юриш маҳорати, чегарачилик фаолияти билан боғлиқ турли ҳарбий кўникмалар, жисмоний тайёргарлиги, шунингдек, инглиз тили, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳалар, Биринчи Президентимиз асарлари ҳамда чегарачи-жангчилар ҳақидаги "Унутилмас ёрқин юлдузлар" китоби юзасидан билиминини синовдан ўтказмоқда.

Танлов бүгун ўз якунига етади.

Сардор БЕКЖОНОВ



ФОТОФАКТ

Чирчиқ шаҳрида "Ёш чегарачилар" мусобақасининг республика финал босқичи бўлиб ўтмоқда. Унда ҳудудий босқичлардан сараланган ўрта махсус, касб-хўна тарбия муассасаларининг 13 жамоаси голиблик учун кураш олиб борапти.

ВАТАНГА САДОҚАТ — БОШ ҲОЯ

3

ESHITDINGIZMI?

ХОРИЖДА ҲАМ ХАЙРИХОҲ

Қашқадарё вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Зафар Рўзиев кўни-кеча ҳудудда яқунланган "Ёшлар ҳафталиги" доирасида хориждаги тенгдошларимиз билан видеоконференцадоқ тизими орқали мулоқот қилди.



хўжалигини инновацион босқичга кўтариш, Қарши шаҳридан уй-жой олиш, тadbirkорлик, чорвачилик ва паррандачилик йўналишларида илгор хорижий тажрибага асосланган янги бизнес лойиҳаларни амалга ошириш

каби масалалар кўриб чиқилди. Бу борада хориждаги ватандошларимиз ташаббусни ўз қўлига олиб, жон қуйдиришга тайёрлигини айтди.

Шавкат КАРОМОВ

BELLASHUV

"АДОЛАТ" ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ



Пискент туманидаги 30-болалар мусиқа ва санъат мактабиди "Ҳуқуқ билимдонлари" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи ўтказилди.

Зангиота ва Паркент тумандари жамоалари баҳс олиб борди. Иштирокчилар "Тест синовлари", "Ҳуқуқий билимдонлик", "Саҳна кўриниши" шартлари бўйича истеъдодини намойиш этди.

Шоира ОХУНЖОНОВА

BIR MANZILDA IKKI MANZARA

А.РАХМАТОВ,
Н.БАҲОДИРОВА

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ

Уларни ўрни бўш иш берувчилар таъминлайдими?

Республика ишчи гуруҳи аъзолари Қўқонни тафтиш этаётган пайтда ҳудудда нақ бешта меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Уч кунда 1 минг 600 нафар фуқаро доимий иш ўринини топди. Яна 412 нафари ҳақ туланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Натижа чакки эмас. Бироқ савол туғилди: ҳўш, ўшда натижага Тошкент-

Ҳукумат доирасида тузилган республика ишчи гуруҳи Қўқон шаҳридаги ижтимоий-маънавий аҳволни ўрганиб қайтди. Бир ҳафта мобайнида пойтахтдан келган вакиллар маҳаллий мутасаддилар билан бирга 65 маҳалладаги 35 минг 700 дан зиёд хонадонга кириб, аҳолининг дарду ташвишлари билан қизиқди. Натижада 11 минг 856 та муаммо аниқланди, салкам ярми тез фурсатда бартараф этилди.

Қўқонликларни ташвишга солаётган энг оғриқли масалалардан бири уй-жой таъминоти билан боғлиқ. Бироқ ҳудудда ишсизлар ҳам бисёр. Мазкур муаммо, биринчи навбатда, ёшлар кайфияти ва келажагига таъсир кўрсатиши турган гап.

Ўртимизда қўшимча иш ўринларини яратиш, улар ҳақида аҳолининг кенг қатламларини хабардор этиш юзасидан изчил чора-тадбирлар кўрилмақда. Шунга қарамай, қоғозда бошқа, амалда бошқа ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Бу ҳақда сал кейинроқ. Ҳозир эса, эътиборингизни қизиқ бир ҳолатга қаратмоқчимиз.

коллежида юз берди.

— Ярмаркада 161 та корхона ва ташкилот мингдан зиёд бўш иш ўрни билан қатнашмоқда, — дейди ўзини солиқ идораси мутасаддиси деб таништирган шахс. — Биринчи кун 255, кеча 156, бугун 115 киши ишга жойлашди.

Қизиқ, вақт пешинга қараб боряпти-ю, лекин на иш таклиф этувчилар, на иш изловчилардан дарак бор. Дарҳол шубҳа уйғонди: юқоридаги рақамлар қарердан пайдо бўлди экан! Бу саволга ҳам суҳбатдошимизнинг жавоби тайёр.

— Соат саккиздан одам яхши келди. Ҳозир эса, иш берувчилар маҳаллаларга чиқиб кетган. Жараён кизгин кечяпти. Муаммоларни ҳал қилиб ташлаймиз, — деди у ўзига ишонч билан.

Мутасаддининг гапига ишонмадик. Сабоби айтганлари рост бўлганда эди, бир ҳафтада ишсизлик билан боғлиқ 1 минг 172 та муаммони аниқламаган бўлардик. Ҳўжакурсинлик ҳам эви билан-да!



Қўқон шаҳар тиббиёт коллежида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасидаги манзара буткул ўзгача.

— Икки кунда 244 нафар фуқаро

ро иш билан таъминланди, — деди ўзини таништиришни истамаган мутасаддилардан бири. — Юздан ортиқ корхона 600 дан зиёд бўш иш

ўринини таклиф этди. Тўлиқ маълумотни шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Мирҳамид Мирмақсудовдан билиб оlishингиз мумкин.

Мирҳамид акани излаб ўтирмай, тўппа-тўғри ёшларга юзландик.

— “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Қўқон минтақавий темир йўл узели Турақўрғон станциясига ишга қабул қилиндим, — дейди 23 ёшли Ҳикматилло Саҳодуллоев. — Ҳўзим Қўқон темир йўл коллежини тугатганман. Ариза ёздим, бирдан шартнома имзолашди. Соҳам бўйича иш топганимдан хурсандман.

— “Инфинбанк”нинг Қўқон шаҳар бўлими ярмаркада йигирмата бўш иш ўрини билан қатнашмоқда, — дейди чиройли тарзда безатилган ва тарқатма материаллар билан тўлиб-тошган стол атрофида ўз ишини сиққилмадан бажарётган муассасанинг кадрлар бўлими бошлиғи Шаҳло Аҳмедова. — Ҳн етти нафар мутахассисни ишга олиб бўлдик. Тўғри, айримлари ҳали ёш, етарли тажрибага эга эмас. Зарари йўқ, уларни ўзимиз тарбиялаб, меҳнатга ўргатиб оламиз.



дан вакиллар келмай туриб ҳам эришиш мумкин эди-ку. Нега масъул идоралар, қолаверса, туртга сектор раҳбарлари шу чокча қўл қовуштириб ўтирган? Аҳолини ишга жойлаш ташаббуси билан Президентнинг Давлат маслаҳат-

чиси ёки вазир чиқиши шартми, ахир?! Бунисига ҳам майли дедик. Аммо базми меҳнат ярмаркаларидаги кўзбўямачиликларга тоқат қилолмадик. Таъбимизни хира қилган ҳолатлардан бири Қўқон педагогика

INTELLEKTUAL MAYDON

Аҳам ЖўРАЕВ

КУБОК МЕЗБОНЛАРДА ҚОЛДИ

Қашқадарё вилоятида “Мунозара” турнирининг “Воҳа кубоги” баҳслари бўлиб ўтди



Беллашувда иштирок этиш учун Бухоро, Сурхондарё ва мезбон вилоятнинг умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим муассас-



салари ўқувчи ва талабаларидан иборат жамоалар Қарши шаҳрида тўпланди. — Баҳсли мавзуларда мунозара олиб бориш ёшларнинг фикрини чархлаб, тафаккурини кенгайтиради, ҳар қандай ахборотни тизимли таҳлил қилишга кўниктиради, — дейди Қашқадарё вилояти жамоаси спикери Маржона Жўракулова. — Глобал дунёда мафқуравий қарама-қаршилиқлар яққол намоён бўлаётир. Бундай пайтда ғоявий жиҳатдан пухта

қуролланиб, маънавий таҳдидларга зарба беришга тайёр турмоғимиз даркор. Турнирнинг мақсади ҳам шу.

Мактаб ўқувчилари ўртасида кечган баҳслар якуни бўйича биринчи ўрин Бухоро, касб-ҳунар коллежлари ўртасида Қашқадарё, талабалар мунозарасида эса, Сурхондарё жамоасига насиб этди.

Умумий ҳисобда мезбонлар юқори кўрсаткични қайд этиб, “Воҳа кубоги”ни ўзларида сақлаб қолди.

OCHIQ MULOQOT

Элдор НАВРЎЗОВ

ЕРНИ СЕВГАНДАН ФЕРМЕР ЧИҚАДИ!

Пахтакор туманида “Ёш фермерлар тараққиёт йўлида” мавзуида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда ёш фермерлар ҳамда мазкур фаолият турига қизиқувчи бошқа кўплаб тенглошларимиз қатнашди.

Тадбирни Ёшлар иттифоқининг Жиззах вилояти кенгаши Ўзбекистон ёш фермерлар кенгашининг ҳудудий бўлими ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этди. Мулоқот жараёнида юртимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, хусусан, томирчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан қилинаётган ишлар ҳақида батафсил сўз юритилди. Соҳада илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва ўзимизга мослаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув танқидий руҳда ўтди. Иштирокчилар фермерлар меҳнатини юзага чиқаришга ҳалақит бераётган омиллар, йўл қўйилаётган сусткашлиқлар, шу билан бирга, ер эгаларининг билим ва малака даражаси билан боғлиқ муаммолар юзасидан мулоҳаза юритди.



— Фермер бўламан деган инсон, аввало, ерни севиши керак, — таъкидлади Пахтакор тумани ҳокими Шукрулло Бобоев. — Янги билимларни эгаллашда ҳам гап кўп. Демак, деҳқонларимиз ўзи устида тинмай ишлаши шарт ва зарур.

Тадбир давомида дала шйопонларини замонавий услубда барпо этиш, ишчиларга қулайликлар яратиш, ерга ишлов бериш, агротехник ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш каби мавзулар юзасидан фикр алмашилди.

29-APREL — XALQARO RAQS KUNI

НАФОСАТГА ОШУФТА САНЪАТ

Мунира ТўРАЕВА

Рақс инсоннинг меҳнат фаолияти ва атрофдан олувчи ҳиссий таассуротлари билан боғлиқ равишда юзага келган.

1982 йилда ЮНЕСКО томонидан Халқаро рақс кунини таъсис этилди. Ушбу байрам нафақат санъаткорлар, балки дунё халқлари учун ҳам муҳимдир. Зотан, рақс ҳамма даврларда тинчлик ва дўстлик элчиси бўлиб келган. Ўзбек рақс санъати минг йиллик тарихга эга. Ўз ижролари

орқали шарқона одоб, миллий анъана ва ўрф-одатлар, аёлларимизга хос гўзал фазилатларни тараннум этган Муқаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Қизлархон Дўстмуҳаммадовадек мартабаси улўғ устозлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Мустиқиллик йилларида мамлакатимизда соҳани ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бир қатор мейёр-йўқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ташкил этилди.

Бугунги кунда таълим масканида хореография ва санъатшунослик таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

TANLOV

Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ

ЎЗИДАН МОҲИЯТИ ҚИЗИҚ



Иштирокчилар уч шарт бўйича беллашиб, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши доирасида фикр-мулоҳаза юритди.

— Лойиҳани ёшлар мазкур ҳужжат ҳақида кўпроқ маълумотга эга

бўлсин, моҳиятига етсин деган мақсадда амалга оширидик, — таъкидлади ташкилотчилардан бири Дилфуза Доғарова. — Танловда жўшқинлик сезилиб турди. Бу эса, талабаларнинг беллашувга пухта тайёргарлик кўрганидан далолат беради. Келгусида

Нукус давлат педагогика институтидаги Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти томонидан “Ҳаракатлар стратегияси билимдони” танловини ташкил этилди. Унда турли йўналишларда таълим олаётган талабалар ўз билимини синаб кўрди.



институт миқёсида Ҳаракатлар стратегияси юзасидан тарғибот ишларини кучайтирмоқчимиз. Беллашув натижаларига қўра, чет-тиллари факультети талабалари бирин-

чи ўринни эгаллади. Физика-меҳнат факультети иккинчи, жисмоний маданият факультети жамоаси эса, учинчи ўринга лойиқ топилди. Ғолиблар муносиб тақдирланди.

ВАТАНГА САДОҚАТ — БОШ ҒОЯ

Бугун Ўзбекистон ёшлари турли соҳа ва йўналишларда ўзларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганини, муаммоларига амалий ечим топишда қўмаклашадиган ташкилот — Ёшлар иттифоқига тобора кўпроқ ишонч билдиришмоқда. Бу бежиз эмас.

Ёшлар иттифоқи минглаб бошланғич ташкилотлари ва таълим соҳасида, мамлакатимизнинг энг олин ҳудудларида ҳам ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсаддан оғинамай иш юритаётгани ва шу орқали ўзига хос уникал тузилма эканини намоян этиётгани диққатга сазовордир.

Охирги маълумотларга кўра, бугун ташкилотга 6 миллион 500 мингдан ортиқ 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қиз бирлашган. Утган қисқа даврда бундай натижага эришишнинг асосий сабабини, ҳеч шубҳасиз, ҳар бир ёш ташкилотда ўз манфаатини кўраётгани, **ВАТАНГА САДОҚАТ, АДОЛАТ ва ПОСТ-ГУЙЛИК** туйғулари ёшлар ташкилоти тизимидаги ҳар бир ходимнинг бош ғоиси сифатида эътироф этилгани билан изоҳланади.

Тизимнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган бошланғич ташкилотлар фаолияти мунтазам мониторинг қилиб борилаётгани юртимиз ёшларини бир мақсад йўлида бирлаштириш, режалар ижросини аниқ ва самарали бажариш учун ўз вақтида тегишли чора-тадбирларни белгилаш имконини берапти. Ҳар бир шаҳар ва туман кенгашига, ҳудудий шартитанга келиб чиқиб, мустақил тарзда тайёрланган чора-тадбирлар режасини рўйга чиқариши учун бир ойда 15-20 миллион сумгача маблағ ажратилаётгани эса, ёшлар ташаббусларига баъини қаноат бўляпти.

Эминлик ташкилот томонидан амалга оширилаётган ишлар кўлами ва уларнинг мазмун-муҳоияти, тақдим этилаётган турли имтиёз ва преференциялар тўғрисида янада қўпроқ маълумотга эга бўлиш катта кичик — ҳар бир фуқаронинг истагига айланиб бораётгани эътибор молик.

Шу ва бошқа жиҳатларини инобатга олиб, таърирнингизга келиб тушаётган мурожаатлар ҳамма мақсадда Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, сенатор Қўҳрамон Қўҳрамов мурожаат қилди.

— **Хўрматан Қўҳрамов, бугунги кунда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўзининг фаолият кўлами ва таъсирга кўра нафақат ҳар бир ҳудуд, балки ҳар қайси оилани, айниқса, ёшларнинг қалби-юрагига кириб борапти. Бунинг ўзига хос сабаблари бўлиши табиий. Ана шу сабаблар кўпчилиги учун қизиқ.**

— Ҳозирги давр ўзига хос мураккаб иқтисодий-иқтисодий, сиёсий-мафкуравий жараёнлар неғизда ҳар қайси давлат ва жамиятининг олдида кечкириш бўлмаст вазифарларни қўймоқда. Улардан бири — ёшлар тарбияси масаласидир. Умуман тарбия иши барча замон ва маконларда ҳам ё ҳаёт, ё мамот масаласи сифатида довларб аҳамияти касб этган.

Барчамизга яхши маълумки, ўтган йили Президентимиз ёшлар билан чин дилдан, самимий суҳбат қуриб, уларнинг уй-фиркалари, мақсад-мувоҳабатлари билан яқиндан танишган, шу асосда ёшлар сиёсати бўйича олиб бораётган ишларимизни танқидий баҳолаган эди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкилотини ўша тарихий кун — 30 йил юртимизда Ёшлар кунини деб эълон қилиниши бундан халқимиз томонидан катта хурсандчилик билан қарши олинган. Президентимиз учрашувада "Тарбия қанча муҳим бўлса, ҳақ шунча бахтли бўлади", деган қимбатли эслоб, бу йўналишдаги уришларимиз натижадорлигини таъминлашда қаратилган кўлаб амалий қўрсатмалар берган эди.

Албатта, бугунга қадар уларни амалга ошириш бўйича муайян ишлар қилди. Биринчи навбатда, амалга ошираётган ҳар бир ишнинг мунтазам раҳбарияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, ташкилотнинг ҳуқуқий мақоми, асосий мақсад ва вазифалари, молиявий имкониятлари тақомиллаштирилгани боис, унинг обу-эътибори ошди. Худудларда ҳокимлар, судья, прокурор ва бошқа давлат идоралари раҳбарларининг ёшлар билан доимий мулоқоти йўлга қўйилгани эса, фарзандларимизнинг ҳаётга муносибани тескин ўзгартириб юборди.

олиб борадиган, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳам ҳимоя қилаётган бўлади.

Ҳозирда ёшлар ташкилоти фаолияти самарадорлигини ошириш масаласини барча даражадаги раҳбарлар, эксперт ва мутахассислар, ёшлар вакиллари изчил муҳокама қилиб борапти. Шу йўналишдаги халқор тажрибаларни ўрганиб, ёшлар билан бевосита амалий мулоқотда ишлаш тамойилини устувор этиб белгилаб олди. Бу ёндашув уларни ўйлантираётган ҳаётини муаммоларни ҳал этишда яхши самара бермоқда.

Ёшлар билан ўтказиётган мулоқот ва учрашувларни расмиётчилик ҳамда кампаниячиликдан холи, танқидий таҳлил-амалий тақлиф-самарали ечим принципига асосланган тарзда ташкил этиш билан ёшлар ташкилотининг навқирон авлод манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси сифатида намоян бўлишига иштирокчи бўлишга имтиёзланади. Бунга эришиш учун, аввало, барча тоифа ва гуруҳга мансуб ёшларни уларнинг орзу-интилиши, қизиқиши, мақсадлари бўйича ташкилотга жалб этишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

— **Бугунги мураккаб иқтисодий шартитанга ёшларнинг бирор ғоя ёки мақсад атрофида бирлаштириш, умумманфаатли ишларга сафарбар этиш, очикроқ айтганда бўлса, уларни катта авлод вакиллари эътиқод қилиб туйғу-тушуновларга содик қолишига эришиш осон иш эмас. Ёшлар ташкилотининг аини пайтгача эришган натижадорлиги замирида бу жиҳат қай даражада ҳисобга олинганини изоҳлаб берсангиз.**

— Уринди савол. Биринчи изох: Ёшлар иттифоқи ҳар бир ёш билан унинг манфаатини ҳисобга олган ҳолда ишлайди. Аниқ жиҳат, ёшларни жалб этувчи оҳанрабо дейиш мумкин.

Иккинчидан, ташкилот уларнинг орзу-ниятларини рўйи учун қўмақлаш сифатида йўл тутади. Шу боис юртимиздаги демографик вазиятдан келиб чиқиб, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, улар бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш, инновацион ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш каби йўналишлардаги ишларимиз натижадорлигига жиҳдий ёндашамиз. Хусусан, жорий йилдан тадбиркор бўлишни истаган ёшларга имтиёзлик кредитларини ажратиб буйича манзилли рўйхатларни шакллантира бошладик.

Утган уч ойда ташкилотимиз кўмаги билан 250 нафардан зиёд ёш тадбиркор ва хунарманда имтиёзли кредит олди. Ёш тадбиркорлар бизнес-лойдларини уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич молиялаштириш механизмининг яратганимиз мазкур йўналишдаги ишларни адолатли юритиш имконини берапти.

Худудлардаги талаб ва истаклардан келиб чиқиб, бизнес саяҳат ҳамда "Ёшлар — келажақ бунёдкори" ширини остида ёш тадбиркорлар, хунарманлар, фермерлар ҳамда илтиҳоти ёшлар томонидан яратилган инновацион лойиҳа ва маҳсулотлар кўргазмасини ташкил этилди. Хусусан, Навоий шаҳрида 200 нафар ёш тадбиркор иштирокида ўтказилган "Муваффақиятга эришиш сирлари" мавзудаги маҳорат дарслари доирасида Навоий машинасозлик заводи, "UzEracCable", "UzEracAllerom", "UzMinda" каби қўшма корхоналарга уюштирилган бизнес саяҳатлар мана шундай ёндашув нечоғли тўғри эканини кўрсатди. Кўргазмада иштирок этган бир

ортик чорвачилик йўналишида фаолият олиб бораётган ёш фермер иштирок этди.

Таъкиллаш лойиҳаси, Иттифоқ миқёсида халқор алоқалар, ёшлар туризмни ривожлантириш каби йўналишларда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

2018 йил январь ойида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегацияси Германия Федератив Республикасида бўлди. Сафар давомида ARD-Германия телеканаллари ассоциацияси масъул ходими Робен Лотенбах, Германия оила, кексалар, хотин-қизлар ва ёшлар масалалар бўйича вазирлигининг Европа ва халқор ёшлар сиёсати бўйича бўлими бошқиси Андра Балбах, Германия техник қўмаклашувчи Федерал идорасининг Берлин ёшлар уюшмаси давлат ташкилот халқор тренера Женс Петер, Германия Федерал ёшлар кенгаши президенти Лиза Мая, "Берлин ҳафталиги" "Berliner Woche" газетаси бош муҳаррири Х.Херольд, Медиакоммуникация ва иқтисодиёт олий мактаби (университети) Президенти, профессор Клаус Шульц ва ректори, профессор Рональд Фрейтаг, Берлин Оммавий ахборот воситалари олий мактаби (университети) ректори Андреас Рохде билан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.

2018 йилнинг 12-18 февраль кунлари Тошкент, Самарқанда ва Бухоро шаҳарларида Ўзбекистон-Россия ёшларининг II-форуми ўтказилди. Форум доирасида Ёшлар туризми агентлиги ва Волгоград шаҳри маъмуриятининг Ёшлар сиёсати ва туризм қўмитаси ўртасида Узаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Россия ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2018 йилга мўлажалланган ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Шу йўналишдаги ишлар давоми сифатида "Ўзбекистон бўйлаб саяҳат қил" дастури амалга оширилмоқда. Унинг доирасида 2018 йилда жами бир миллиондан зиёд ёшлар саяҳатга олиб чиқиш режалаштириляпти.

— **Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ўзининг тадбирлар режасида маънавий-маърифий, спорт ва ёш оиналар билан ишлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратаётганини кузатиш мумкин. Мўҳими — бунинг жойларда ёшларнинг ўзлари эътироф этипти.**

— Бу бизни ҳам хурсанд қилади, албатта. Аммо қамров ва таъсир борасида ҳали-бери натижадорликни кафолатлайдиган замоний усул ва ёндашувларни излаб туриш, индивидуал ишлаш мақсадларининг эгиллиги таъминлаш ҳодимлар олдида турган довлар вазифа бўлиб қолмоқда. Бирок бугун бор имконият ва салоҳиятни фойдаланиб, беминнат ва садоқат билан ишлаш орқали муайян натижадорликка эришамиз. Худудларда ёшлар ва ҳарбий хизматчилар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, давра суҳбатлари ва учрашувларини қатъий режа асосида ташкил этиётганимиз бунинг яққол тасдиғидир.

Мазкур жараёнда тафаккур тарбиясига алоҳида эътибор бериб, инсонга ҳар қандай қўшничилик ва муаммоларни ҳал этишда қўмақ берадиган билим, кўникма ва мақолатларни эгаллаш имкониятини яратиб йўлидан бораёلمиз. Жумладан, "Ёшлар кубот-хонаси" руқни остида чўп этилган 30 номдаги 4 мингдан ортиқ мўлмоғи ва жаҳон адабиётининг дурдона асари ҳарбий қисмлар ва Темирбеклар мактабларида етказиб берилди. Ҳозирда

Шу хусусан ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида натижадорликка эришиш мақсадида Ёшлар иттифоқи тизимида 2018 йил "Ёшлар жиноятчилигига қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларни республика босқич аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғоти. Танловда 1-урини кўлга киритган 16 ёшли самарқандлик Моҳинисо Шомуродова ҳамда 22 ёшли фарғоналик Шарофат Исмоиловага Президент совғаси "Spark" автомашинаси тантанали тарзда топширилди.

2-урини сохибларига жазони олишга қўлга киритган 3-урини эгаллаган ёшларга ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумнинг 2-моддаси, "ж" бандига асосан, ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноят ишлари бўйича жазо таъминлашда Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашларининг кафолат хатига асосан озоликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турини тайинлаш механизми жорий этилган кенг жоматчилик ўртасида жиҳдий акс-садо берди.

Бугунги кунда адашиб жиноят йўлига кирган, содир этган жиноят қилмишдан чин кўнгилдан пўшаймон бўлган 141 нафар фарзандимиз Ёшлар иттифоқи кафилиги асосида суа залимдан овоз қилиниб, уларнинг ҳар бирига тегишли ҳудудларда фаолият кўрсатаётган Темирбеклар мактаби ҳамда ҳудудлардаги ҳарбий қисм офицерлари масъул қилиб бириктирилди.

Профилактик ишларнинг давоми сифатида худудларда "Жасорат" клублари тўзилиб, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда воғая етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уюшмаган ёшларнинг тўғри вақтда турли кўнгилдор (дам олиш) мақсадларига беҳабеликни, шифқатсизликни тарғиб қилувчи медиа маҳсулотлар таъсирга тушиб қолганининг олдини олиш мақсадида режалаштирилган таъбирларнинг таъбирларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу мавзуда жойларда ўтказилаётган давра суҳбатлари ва тарғиб тадбирларида иштирок этаётган ёшларнинг фикри ижобий томонга ўзгартаётганини катта ютуғимиз.

Биринчи Навоий, Наманган, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида жами 15 та илҳам намунади туъи ўтказилгани фикримиз даъимийдир.

Аммо бу — денгиздан томчи, холос. Жуда қўлаб ижтимоий муаммоларни келтириб чиқараётган, оиналарни парканди қилиб, маънавий таназзулга ётаклаётган бундай йллатларга қарши курашни, аввало, тафаккурдан бошлаш керак. Шу боис Ёшлар иттифоқи бу йўналишда амалий ишларни бажаришда давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, мақола фаоллари, нурунйлар, диний уламоалар, илғор фикрли ёшларнинг кўмағига таянади.

— **Кейинги йилларда жиноятчиликнинг оқибатлари билан курашишдек бечасар, ёндашувдан воз кечиб, унинг олдини олиш ва профилактика ишларини кўчатириш талаби кун тартибига қўйилляпти. Бу, айниқса, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик масаласида янада довларлик касб этган.**

— 2018 йилда Мувоҳабат, Ички ишлар, Фавқулодда

вазирлар, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси каби тўзимлар билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг икки томонлама қўшма қарорлари имзолангани муайян маънода янглик бўлди. Шундай эмасми?

— Тўғри. Чунки илгари мазкур тўзимлар фаолиятини шифқатлиқ десарга йўқ эди. Мантқан олганда, бу хизматларда асосан ёшлар иш олиб боради. Уларни бир мақсад йўлида бирлаштириш, ватанпарварлик руҳини кўчатиришга ҳисса қўшиш имконияти юзага келган экан, бунинг факат қўллаб-қувватлаш керак. Шу боис жорий йил февраль ойида сиз санаб ўтган вазирик, қўмита ва ташкилотларда Етказилар кенгаши фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур тўзимларнинг қўйи бўйинларида 241 та бошланғич ташкилот иш бошлаб, 1 минг 130 нафар сардор сайланди.

Икки юз эликка экин ҳарбий қисма ташкил этилган бошланғич ташкилотлар атрофида 50 минг нафардан ортиқ 30 ёшдан ошмаган ёш ҳарбий хизматчи бирилади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги жами йилда туртта ҳарбий қисма Иттифонинг бошланғич ташкилотлари намунади тарзда ташкил этилди. Уларга намунавий деворий стендалар, тарқатма материаллар, шунингдек, компьютер жамланмалари ва ҳар бир қисмга минг донадан бадий адабиёт тақдим этилди.

— **Ёшлар иттифоқи қошида ёшларни турли соҳаларда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган тўзимлар ташкил этилар экан, бу борада ёш кадрларга ҳам эътибор ортиши аниқ. Умуман, тизимни мақолатли, замонавий билим ва кўникма билан таъминлаш борасида қилнаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Ҳозирги кунда Ёшлар иттифоқи тизимини замонавий кадрлар билан таъминлаш, уларни қайта тайёрлаш ва мақолатини ошириб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва иштиқолик кадрларни тайёрлаш институти фаолият олиб бормоқда. Аниқ пайтда турт ойлик қайта тайёрлов курсларида таҳсил олган 56 нафар тингловчи махсус сифтифакатлар олиб, иш бошлади. Иштиқоликларнинг 19 нафари давлат бошқаруви органларида, 20 нафари жомат ташкилотларига ҳамда 7 нафари ўзи фаолият юритаётган соҳаси бўйича оқори довларимизга бўлиб қаратилган бўлади.

Институтнинг қайта тайёрлов уқув курсларига саралаш ва кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган 181 нафар номдод иккинчи босқич таълимга жалб этилди. Бугун Иттифонинг тизимида фаолият юритаётган юз нафарга яқин ходим эгаллаб турган лавозимдан юқори поғонага кўтариладиган ёшларнинг сифқатидан меҳнат қилишга бўлган кучли интиқилидан даррақим.

Бунинг ишти гуруҳи томонидан чуқур ўрганилиб, сараланган 490 нафар ёшнинг Молия вазирига тизимдаги вакант жойларга захира кадрлар сифатида тавсия этилгани, уларнинг 289 нафари ишга қабул қилингани ҳам яққол кўрсатди.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун ёш раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган ўзига хос "социал лифт" вазиқасини бажара бошлади.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

Ф.КАРИМОВ суҳбатлашди.





КО'NGILDAN KO'CHIRMALAR

Синглимга хат
Ассалому алайкум, синглим. Саломатмисан? Дорилмон кунларда шодон юрибсанми? Кеча зиёратгоҳдаги кўринишингдан роса хурсанд бўлдим. Бошинггаги рўмол бирам ярашибдики. У ҳуснингга-ҳусн қўшиб турганим.

Нега бу ҳақда ёзаётганимни англагандирсан. Бугун баъзи гулчехра қизларимизнинг ташқи қиёфаси — сочини тўзишти, тор кийимда юришидан ҳафсалам пир бўлади. Билсанг ҳам, билмасанг ҳам, сенга эслатиб қўйиб акалик вазирам. Мен тилга олган ҳолат дину дёнатишимиз, асрий қадриятларимиз илдизига болақ уриш билан баробар. Қолаверса, биз,

эркаклар учун исноддир. Боиси онамиз, опа-сингилу рафикамиз — юзимиз. Юзни эса, ёмон кўз ҳамда доғ тушишдан асрамоқ даркор. Зиёрат вақтида аёл-қизларни ибодатда ортида қўриб қувондим. Нега улар кундалик ҳаётда ҳам шундай юр-майди-я! Замон талаби, аллақандай мода, деб ўзини балога гирифтор қилаётганлар қанча. Минг

афсуски, улар миллатимиз юзини ерга қаратмоқда. Денгиз тубида тош ҳам, дуру гавҳар ҳам топса бўлади. Ибо-ҳаё мана шу дур мисоли юқори қадр-қимматга эга. Ҳамиша шундай бўлмоққа интили, ниятинг холис бўлсин, қадрдоним. Саломатлик тилаб аканг


МУҲАММАДАЛИ

СИЗ НИМА DEYSIZ?

МАДАНИЙ САВЯСИЗ
УЗОҚҚА БОРОЛМАЙМИЗ

Роҳатой ҚОДИРОВА

Бугунги ёшларни кўп кузатаман. Улар ўзини анча дадил тутаяди, гап-сўзлари бийрон, фикр-мулоҳазалари ҳам теран. Бир ҳисобдан, хурсанд бўласан, киши. Мустиқил юрт фарзандларининг қадамидан ўт чақнаши керак-да, ахир. Бошқа томондан эса, замонавий ўғил-қизларга эътирозим ҳам йўқ эмас. Ҳарқалай, бу ҳақда сал кейинроқ ...



бўлиб ўқилмаган, болалар дарсдан кейин компьютер клублари эмас, бепул фан ёки хунар тўғрақларига ошқандагидек ўша дамларни тез-тез қўймайсан. Тўғри, таълим-тарбия ҳозир ҳам биз учун ҳаёт-мамонт масаласи. Бироқ айрим жиҳатлар барибир бой берилгандек, назаримда.

Меҳнат таътилида бир ҳафта бошланғич синфда ўқийдиган жиянимни мактабга олиб боришга тўғри келди. Ўқийдиган мактаб, бирга дарс тайёрлардик. Аввал китобларига эътибор бердим. Бирон-тасига ҳам жилд тутилмаган. Сабабини сўрасам, ажабланди. "Бизда ҳеч ким китобни целлофанга ўраб келмайди", — деди кимтинибгина, худди жуда ёмон иш қилиб қўйгандек. Бу гап мени ҳайрон қолдирди. "Наҳотки, устозингиз китобни озода сақлашни талаб қилмасан", — дедим ажабланиб. Жияним елкасини қисиб қўйди-да, бепарвогина ёзишда давом этди. Яна ҳаёлимга мактаб хотиралари қўйилиб келди. Ҳамон ёдимда, онам биронта ҳам дарсликдан жилдсиз фойдаланишга йўл қўймагани. Ўқув йили бошида онам иккимиз кутубхонадан нечта дарслик олиб келсак, ҳаммасини эринмай эски мато қийқимлари ёки целлофан билан ўраб берарди. Кейин-кейин бу иш одатга айланиб, ўзимиз мустиқил бажарадиган бўлдик. Йиртиқ китобни, у ўзимникими ёки бироникни, бундан қатъи назар, еимлаб қўйишни ҳам онамдан ўрганганмиз. Аттанг, бебаҳо маънавий ҳазина саналмиш китобга эҳтиёткорона муносабат қилмаганлар аҳамиятсиз нарсага айланган қолғанидан хавотирданман. Менимча, буй қарашда арзимасдек туюлган юқоридаги каби ҳолатларга эътиборлироқ бўлганимиз маъқул. Ило, маданий савиясиз узоққа боролмаймиз.

САВОЛГА 1 ЖАВОБ



Ишхонада белгиланган меъёрдан ташқари қўшимча таътил олиш мумкинлиги ҳақида эшитганим. Бундай имтиёз кимларга берилди?

Дилшод ҲОЗИЕВ
Китоб тумани

Саволга Ёш ҳуқуқшунослар Кенгаши раиси Баҳром ИАҲОМЖОНОВ жавоб беради:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 136-моддасига биноан, қўшимча таътилни меҳнат шароити нуқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган, қолаверса, оғир ва нуқулай табиий-иклим шароитларида иш бажар

раётган ходимлар олишга ҳақли. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 137-моддасида меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимларга ҳам йиллик қўшимча таътил берилиши қайд этилган. Қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътилнинг муддати, уни бериш тартиби ва шартлари тармоқ келишувлари, жамоа шартномасида ақс эттирилиши (агар улар тузилмаган бўлса, касабга уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб иш берувчи томонидан белгиланиши) шарт.

YOSHLIK ILHOMI

Гулзода ОМОН,
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

Баҳорнинг майин шамоли эсиб, қуёш заррин нурларини таратаётган мусаффо тонгла Сардор кўзларини эринибгина очди-ю, куннинг ёришиб кетганини кўриб, бирдан соатга қаради.

— Эҳ, ухлаб қолибман-ку, анави нега уйғотмади экан?! Илмира опа, Илмира опа! — деб бақирди. Ошхонада нонушта тайёрлаётган аёл шовша-пиша ҳовлига чиқди. — Ҳа, Сардоржон, тинчликми, болам? — Бошқа кунлари сўфи азон айтмасдан уйғотишини билсан. Бугун қабристонга бериб бериб туриб атай уйғотмадингизми?! — деди у захрини сочиб.

Хола қувонганча гуллари авайлаб ўрашга тушди. — Мана, ўғлим. Сиздан бир нарсаси сўрасам майлими? Сардор истамайгина тўхтаб, отига ўтирилади. — Ҳар сафар етти дона гул сотиб оласиз. Кимйингиз оламдан ўтган? — Хола, бу гуллар онам учун. Осмоннинг етти қавати бўлади, сўнгиси жаннат экан. Шунинг учун ҳар гал етти дона атиргул харид қил

БИР ДОНА атиргул

Муштирап аёл ўғай ўғайнинг қўлоқ муомаласига ўрганиб қолган бўлса-да, барбир гаплари оғир ботди. — Бу нима деганингиз, болам? Кеча кечроқ қайтганингиз учун бироз дам олинг деганим, холос. — Шу ҳам баҳонами? Мени ҳадеб ўғлим, болам, даяверман. Сиз онам эмсансиз! Воқимам ҳозир қора туپроқ бағрида ётибдими... Агар бозорда гуллар қолмаган бўлса, ортиқ сиз билан бир уйда яшамайман! Илмира опа лом-ним дедими. Дардини ичига ютди. Сардордан бу каби таъналарни кўп эшитган. Тақдир экан, баяқш ун беш йил фарзанд кўрмади. Биринчи турмушдан ажраб, аёли вафот этган Рустам акага тегиб. Ёлғиз ўғайга меҳр қўйди. Йилгича эса, негадир уни сира ўхшамасди. Сардор қовонгани уйиб нонушта ҳам қилмай, уйдан чиқиб кетди. "Ишқилиб, гуллар қолган бўлсин-да", — деб уйдади Илмира опа. Ўсмир қабристонга яқинлашар экан, дарвоза ёнида ўтирган гулчи холанинг идишига санокчинга атиргул қолганини кўрди-ю, хавотирга тушди. — Ассалому алайкум. Илтимос, етти дона атиргул беринг. — Ҳўп, болам, ҳозир, — деди соғувчи ва эғлиби, гуллари санади. Бирдан жим бўлиб қолди. Сардор хавотир билан кампирга қаради. — Сақиз дона қолдиб, қўшиб бераверайми? Шу билан мен ҳам уйга кетардим, — деди хола илтижовли оҳангда. — Майли, Фақат биттасини алоҳида беринг.


либ, онамнинг қабрига тўшайман. Меҳрибоним беҳишларда юрса дейман-да. — Баракалла, болам! Отангиз-чи, бошқа оила кўрдими? — Ҳа, — деди Сардор қисқасига. — Болам, Аллоҳ истагани учун бугун бир дона атиргул ортиқча қолди. Уни йўлингизга кўз тикиб ўтирган онангизга олиб бориинг. Шунда марҳум вақимдангизнинг руҳи шод бўлади. Холанинг насиҳати йилгичанинг қалбини юмшатади. — Ҳўп, бўлади, — деди-ю, қалбида афсус-надомат уйғонди. Тиловат қилгач, меҳрибон билан бироз сўхбатлашди. Сардор уйга қирар экан, ошхонада йилгич ўтирган Илмира опани кўрди. Эрталаб айтган сўзларини эслади-ю, узидан уялди. Онаси унга бундай тарбия бермаган эми-ку. Қолаверса, отаси ҳам фақат аёлининг васиятини адо этиш учун уйланганини яхши биларди. Илмира опа Сардорни кўриб, дарров кўз ёшини арди. Юзини шошиб ювди-да, ҳовлига чиқди. — Сардоржон, яхши бориб келингизми? — деди мулоимлик билан. Кейин ўғайнинг қўлидаги бир дона атиргулга кўзи тушиб, бошқа қолмагани учун яна жаҳл қилса керак, деб ўйлади. Сардор кутлмаганда атиргулни онасига тутди. — Мени кеңиринг, ойнажон, — дея унинг бағрига отилди. — Уша кеча Сардор ҳосиятга туш кўрди. Тушиша онаизори бир дона қип-қизил атиргулни тутганча, унга жимлайиб боқарди...

BUGUNNING GAPI

ОМОНАТГА ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ

Насиба АБДУЛЛАЕВА

Ширингина жонимиз Яратганининг бизга берган омонати. Бу омонатга зиён-заҳмат етказмай, вақти-соати етганда Эгасига тоатиришмоқ биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.



Тақдир синовлари турфа. Бу синовлар бизни ҳар қуйларга солади. Қашшоқлик, мол-давлат, тенгсиз куч-ғайрат, беморлик беради — синайди. Севган инсонларинг, жондан азиз фарзандларингдан мусово қилади — синайди. Юлдуз қилиб фалакка чиқаради, лой-қўлмакка белаб, ерпарчин қилади — синайди. Мана шу синовларга мардона туриб, ақл билан иш кўрганлар саодатга эришади. Юсуф алайҳиссалом ибн Яқубнинг бошига тушган балолар, оғанилари ва бегоналардан кўрган қулфатлари — чоғга ташлангани, тухматга йўлиққани, зиндонбанд бўлгани... Ушбу қургуликларга сабр-тоқат қилиши натижасида турли балолардан қутулиб, Миср заминининг мулк ҳазинасига эга бўлганини эсланг-да. Пойтахтимиздаги коллежлардан бирининг ўқувчиси ўз жонига қасд қилади. Сабаби номалум. Лекин қалбини савол ўртатади: нега бу ҳол рўй берибди? Яқинларнинг меҳрсизлигини, атрофдагиларнинг доғайлигини? — Бундай аянчи ҳолатлар кўпинча ота-она ва яқинлар уртасида зиядаёт, иснодга қолиш натижасида рўй беради, — дейди руҳшунос Маъсуда Обидова. — Инсон боласи ким бўлишдан қатъи назар, донишмуд қўлмакка муҳтож бўлиб яшайди. Ич-этини кемираётган муаммони айтиб, кимгадир ёригиса келади. Қалбига инган жароҳатга маҳкам топишни истамайди. Шундай

оғир вазиятда ёлғизлиб қолаётган ёмон. Унга гўёки дарди давосиздек, бу азобларнинг охири йўқдек туюлади. Неча йиллардан бери мактабда ўқувчи бўлиб ишлаган Замира Абилоннинг ҳам гапларига қўлоқ тутайлик-да: — Ўқувчи қандай хушқўл эга бўлмасин, унинг шахсиятига тегмаслик керак. Бола темпераментини оқилона англаш мумкин масала. Баъзилар ўта таъсирчан бўлади. Педагог ўқувчига ҳам дўст, ҳам ота-она, ҳам устозлик қилиши зарур. Фарзанд учун, аввало, ота-она тиргақдир. Бола руҳий тушунлиққа туғанида уни юпатиш, билиб-билмай гуноҳга ботса қилинган хатони эзгуликлар, савоб ишлар билан ювиш мумкинлиги, ҳаётда бундай воқеалар бўлиб туриши, қалб жароҳатининг давоси вақт эканини уқтириш зарур. Руҳий изтироб чекаётган усмирни ёлғизлатиб бўлмайди. "Ёшлиқ — гўрлик", дейдилар. Атрофда яхшилар кўп. Одам тафтини одам олади. Донишлардан маслаҳат сўраш хони фойда. Ота-она фарзандига шамолни ҳам раво кўрмай ўстиради. Лекин фарзанднинг ўз жонига қасд қилиши нафақат ота-онани, балки еру кўкни титратади. Ота-она, Ватан олдидаги қарзиди узиш, келажақда

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКISTON ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВЛАШ ЙИЛИ ДОИРАСИДА

“ФАОЛ ТАДБИРКОР — ИЖОДКОР НИГОҲИДА”

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини, шу жумладан, халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш, фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илгор технологиялар асосида шакллантириб, бошқаларга ўрнак бўлаётган, бир сўз билан айтганда, замонавий қаҳрамонлари деинишга арзийдиган ишбилармон, тадбиркор, фермерлар сиймосини яратишга чоғланган ижодкор қаламқашларни ушбу танловда фаол иштирок этишга чорлаймиш! Танлов: — “Энг яхши бадий асар”; — “Энг яхши публицистик мақола”; — “Энг яхши видеооралик” йўналишларида ўтказилади. Ҳар бир йўналишда 1-, 2-, 3-ўрин ғолиб ва совриндорлари аниқланади ҳамда уларга диплом ва қўйидаги миқдорда пул мукофотлари топширилади. 1-ўрин ғолибига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорда. 2-ўрин ғолибига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорда. 3-ўрин ғолибига энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорда. Шунингдек, “Ёш тадбиркор образини яратган энг яхши асар учун”, “Замонавий тадбиркор аёл образини яратган энг яхши асар учун” номинашлари бўйича рабатлантуривчи мукофотлар таъсис этилган. Ҳамкорларимиз: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар ижодий уюшмалари. Танловга тақдим этилган ижодий материаллар 2018 йилнинг 1 ноябрига қадар қўйидаги манзилга юборилиши лозим: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-А-уй. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси. Мурожаат учун телефонлар: (0371) 255-29-91, 254-01-22. Электрон почта: tanlov@uzlidp.uz. Танлов ғолиб ва совриндорлари 2018 йил 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллиги байрами арафасида эълон қилинади.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИҒОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ХАЙЪАТИ
Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Сабдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари (“Молодежь Узбекистана”); Елена Калинина — масъул котиб (“Молодежь Узбекистана”).

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Уктажонович
Навбатчи
Абдурахмон Жўраев
«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳрират руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳриратга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳрират манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.
Буюртма Г-438
Адади — 22773
Босишга топширилган вақти — 21.00
Толдирилган — 01.15
ЎзА яқини — 00.27
Офсет усулида босилган.